

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 8-may, chorshanba № 34 (15672)

Navqiron avlod so'zi

Мақсадимга, албатта, етаман!

Хар куни тонгда уйғониб, тинчлигимизга шукрона келтираман. Уйлаб қарасам, биз, мустақиллик фарзандлари дорилон кунларда ҳаёт кечираётган эканмиз.

Мен Урганч шаҳридаги иқтидорли болалар мактабини тамомладим. Кейин ўзим хоҳлаган мутахассислик бўйича Урганч туризм ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида таҳсил олдим. Ўқувчилик даврим айнан истиқлол йилларида таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор шароитида ўтганидан, бунинг эвазига биз замонавий коллеж биналарида замонавий таълим дастурлари асосида таҳсил олиш имконига эга бўлганимиздан ниҳоятда бахтиёрман.

Коллежда инглиз тилини мукамал ўргандим. Ҳозир бу тилда бемалол сўзлаша оламан. Хоразмга кўплаб сайёҳлар келади. Улар билан мулоқот қилиш менга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Айни пайтда корейс тилини ҳам ўрганибман. Юртбошимизнинг махсус қарори билан, мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга катта эътибор қаратилди, ўзига яраша талаблар қўйилляпти. Бу яхши, чунки тил билган инсон дунёни теран англайди, унинг олдида жаҳон эшиклари очилади. Мен эса, келгусида дипломат бўлишни олдимга мақсад қилганман. Демак, тил ўрганишим айни муддао. Ахир, юртимизда бунинг учун ёшларга шунча шароитлар яратиб берилган-ку.

Жамоат ишларида доим фаол қатнашаман. Мактабда «Камолот»чилар сардори бўлганман. Ҳаракатнинг Хоразм вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Сардорлар мактаби»да ўқидим. Коллежга ўқишга киргач, Ҳаракатнинг турли лойиҳаларини ташкил этиш ва ўтказишга бош-қош бўлдим. Бундай фаолият менинг юксалишим, жамиятда ўз ўрнини топишимга ёрдам берди. 2010 йилдан буён «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши қошида ташкил этилган маслаҳат кенгашининг раисиман. Кенгаш таркибиде тенгдошларимизнинг талаб ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ёш ижодкорлар, ёш лидерлар ва бошқа бир қанча клублар фаолият кўрсатяпти. Узингга ўхшаган ҳаракатчан ёшлар билан биргаликда турли ташаббусларни амалга ошириш, ижтимоий мақсадга йўналтирилган лойиҳаларнинг муаллифи ва ижрочисига айланиш кишида етакчилик сифатларини, мустақил фикр ва дунёқарашни шакллантирибгина қолмай, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини ҳам уйғотади, муҳим вазифаларни бажариш ва шунга яраша масъулиятни ҳис этишга ўргатади. Мен «Камолот»нинг кўмаги билан ушбу кўникмаларга эга бўлдим.

2011 йилда вилоятимиздаги фаол ёшлар «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа йўллар билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича халқаро лойиҳада иштирок этиш учун саралаб олинди. Мазкур лойиҳа доирасида республикамиз бўйича жами ўттиз минг нафар кўнгилли ёш махсус тренинг дастури асосида ўқитилиб, улардан тарғиботчи-тренирлар тайёрланди. Ушбу гуруҳда мен ҳам борман. Ҳозирга қадар шахсан ўзим вилоятимизнинг турли ҳудудларида, қишлоқ жойларда ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа йўллар билан юқадиган касалликлар ҳақида тушунча берувчи ўнлаб мини сессиялар (тренинглар)ни ўтказдим. Уларда олти мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар қамраб олинди.

2012 йил ҳаётимдаги энг мазмунли йиллардан бўлди. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг қарори асосида мен мамлакатимиздаги бир гуруҳ истеъдодли ёшлар қаторида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу ютуқ зиммамга янада кўпроқ масъулият юқлади. Мен Ватан тараққиёти йўлида ҳали кўп меҳнат қилишим, бор куч ва салоҳиятимни шу эзгу мақсадга сафарбар этишим ва албатта, бундан-да улкан ютуқларни кўлга киритишим керак, деган хулосага келдим. Шунинг учун ҳозир тинимсиз ҳаракат ва изланишдаман.

Темур ЖУМАНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби

Инсон азиз, хотира муқаддас



САРМИШСОЙ: Асрларнинг боқий садоси

Навоий вилояти Навбаҳор туманида 4-5 май кунлари «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида асрий анъаналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2008 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад қадимий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли йўналишларини

халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бу йилги фестивалнинг Сармишсойда ўтказилишида ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётди. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар ажодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонақиллаш-

тириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши ажодларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

Сой қирғоқларида қадимда экинзорлар ва сувдан унумли фойдаланиш тизими қўлланилгани ҳудудда деҳқончилик маданияти ривожланганидан дарак беради.

Ушбу гўзал масканда «Асрлар садоси» анъанавий олтинчи маданият фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, ҳудуднинг табиий гўзаллигини янада бойитиш мақ-

садида сой бўйларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди ва гуллар экилди. Миллий маданиятимизнинг асл намуналарини кенг намойиш этиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди.

Навоий темир йўл вокзали ва Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистраль ва ички автомобиль йўлларида кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Навбаҳор, Нурота ва Кармана туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилди.

(Давоми 3-бетда)

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида «Менинг бизнес ғоям» танловининг учинчи босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу танлов «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, «Микрокредит-банк», «Агробанк», «Қишлоққурилишбанк», «Ипотекабанк» ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Тўрт босқичдан иборат мазкур танловнинг учинчи босқичида етмиш олти нафар йигит-қиз бизнес ғоялари билан қатнашди. Танлов иштирокчиларига «Ёш тадбиркор» консультатив маркази ва «Етакчи» ёшлар маркази томонидан семинар-тренинг ташкил этилди.

Танлов сўнггида бешта бизнес лойиҳа муаллифига кейинги босқичда иштирок этиш йўлланимаси, ўттиз нафарига эса ўз бизнесини амалга ошириш учун банкларга сертификат берилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Сиз қонунни биласизми?» кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган жамоалар таништирув, савол-жавоб, саҳна кўриниши, уй вазифаси каби тўртта шарт бўйича ўзаро беллашди.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, Оққўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг «Парвоз» жамоаси биринчи ўринга, Бекобод шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежининг «Соҳибқирон» жамоаси иккинчи ўринга, Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Ҳақиқат» жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди.

СИРДАРЁ

Боёвут саноат касб-хунар коллежида қизларни эрта турмушга бериш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман бош имом-хатиби, туман ФХДЁ бўлими, «Нуроний» жамғармаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман нотариал идораси масъуллари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ ва тўлақонли жавоб олишди.

Ватан хизматига шайдир йигитлар



9 май — Хотира ва қадрлаш куни. Ушбу сана муносабати билан юртимизда кўплаб тадбирлар, учрашувлар ўтказилди. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам тинчлик йўлида қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш мақсадида турли лойиҳаларни амалга ошириб, кексалар ҳолидан хабар олишяпти. Жиззах вилоятида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг республика финал босқичи иштирокчилари билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам ёшларда бугунги тинч ва фаровон кунга нисбатан шукроналик ҳиссини уйғотиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзига хос икки авлод учрашувига айланган ушбу тадбир мусобақа иштирокчиларининг қизғин беллашувида улашиб кетди. Бугун «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасида қатнашаётган йигитларда мардлик, жасорат, меҳроқибат, доим ёрдамга тайёр бўлиш, берилган топшириқларни бажаришга шай туриш каби хислатлар шаклланиб бораётганлигидан қувонамиз. Айтиш мумкинки, мусобақа-

лар ичида ўзига хослиги билан ажралиб турадиган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси мамлакатимиздаги жасур йигитларни саралаб, намойиш этадиган майдонга айланади.

Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг бу йилги республика босқичи 3-6 май кунлари Марказий ҳар-

бий округнинг Жиззах вилоятидаги ўқув-дала майдонида бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада ўн тўртта жамоа иштирок этди. Жамоалар ҳарбий-спорт машғулоти, мусобақалар, эстафеталар, викториналар, мерганлик, кросс югуриш, ҳарбий топография каби тайёргарликлар бўйича туман ва вилоят босқичларида сараланиб келган.

Мусобақа шартлари иштирокчиларнинг ҳақиқий маънодаги шунқорлигини кўрсата олди. Айниқса, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар тайёргарлиги, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари низомлари бўйича белгиланган шартлар ҳам жиддий ва масъулиятли шартлардан биридир. Ҳарбий топография шартлари ҳам ўзига хоски, унда иштирокчи олган назарий билимларини амалда қўллаб билиши керак. Мусобақа иштирокчилари жамоаларнинг саф кўриги, сафда юриш тайёргарлиги, саф кўшиги, ҳарбий варақалар, альбом, вимпеллар кўриги, мерганлик мусобақаси, АКМ автоматини сочиш ва йиғиш, бир километрга югуриш, граната улоқтириш, турникда тортилиш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш бўйича беллашувлар, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби юзасидан савол-жавоб (тест шаклида) шартларидан ҳам синовдан

ўтказилди.

Тоғ этагида жойлашган ҳарбий ўқув-дала майдони шунқор йигитларнинг қизғин беллашувида гувоҳ бўлди. Жамоалар белгиланган шартлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосасига кўра, Самарқанд вилояти Пайарик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-хунар коллежининг «Лочин» жамоаси республика босқичининг мутлақ ғолибига айланди. Жиззах вилояти Бахмал иқтисодий коллежи, Сурхондарё вилояти олимпия заҳиралари касб-хунар коллежининг «Ёш чегарачи» жамоалари кейинги ўринларни эгаллади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти жамоалари «Ғалабага бўлган ишончи учун» номинацияси, Навоий вилояти «Энг билимдон жамоа» номинацияси, Фарғона вилояти «Эпчилликда тенги йўқ» номинацияси, Тошкент вилояти «Энг аҳил жамоа» номинацияси, Тошкент шаҳри «Энг интизомли жамоа» номинацияси, Андижон вилояти «Юксак маданиятли жамоа» номинацияси бўйича тақдирланди. Шартлар бўйича ҳам алоҳида фаоллик кўрсатган иштирокчилар ҳамда жамоаларнинг устоз-мурабийларига эсдалик совғалар топширилди.

Ушбу мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими таассуротларга бой бўлди.

Тадбирда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирати ўринбосари Н.Муллабаев, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосарлари Қ.Жаббарганов, Ш.Аҳророва иштирок этди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

«Talabalar bahori — 2013»

Унутилмас лаҳзалар

Бу йилги «Талабалар баҳори» фестивалига кўҳна Урганч замини мезбонлик қилади. 2008 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган ушбу фестиваль 27-31 май кунлари бўлиб ўтади. Илмий-амалий учрашувлар, иқтидорлилар танлови, қувноқ дақиқалар, театр томошалари, маҳорат дарслари каби қатор йўналишларни ўзида бирлаштирган «Талабалар баҳори» ёшларнинг чинакам баҳорий учрашувида айланиши кутилмоқда.

Фестивалга тайёргарлик ишлари қандай? Бу ҳақда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудирини Ахтам Рўзимуродов сўзлаб берди:

— Ушбу фестивалда тўрт минг нафарга яқин талаба-ёшлар иштирок этади. Демак, фестивалнинг кўлами ҳам, аҳамияти ҳам шунга муносиб. «Талабалар баҳори» фестивалдан «Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор экологик муҳитни яратиш» мавзуида талабалар илмий-амалий анжумани, иқтидорли талабалар танлови, «Ниҳол» талабалар театр томошалари, «Заковат» интеллектуал телеўйини, «Қувноқлар ва зукколар», «Эко» акцияси, маҳорат дарслари, олий таълим муассасалари кўргазмаси, югуриш марафони ўрин олган. Бундай ишларни амалга оширишда Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги бизга кўмак-

дош. Ҳозир фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган тадбирлар манзили аниқланиб, иштирокчилар рўйхати шакллантирилмоқда. Олий таълим муассасаларида эса илмий-амалий анжуманда қатнашиш истагини билдирган талабаларнинг материаллари экспертлар томонидан таҳлил этилиб, муносиблари фестивалга тавсия этиляпти.

«Талабалар баҳори» фестивали дастурига киритилган «Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор экологик муҳитни яратиш» мавзусидаги талабалар илмий-амалий анжумани ҳамда иқтидорли талабалар танлови илк бор амалга оширилмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган илмий-амалий анжуманда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда республикадаги барча олий таълим муассасалари талабалари иштирок этади. Улар тўрт шўъбага бўлиниб, «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимо-

ий тараққиётида экологик омилларнинг ўрни», «Аҳолининг экологик онги ва маданиятини оширишнинг замонавий усуллари», «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барқарор экологик муҳит гарови», «Атроф-муҳит мусаффолиги ва барқарор экологик муҳитни таъминлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш» каби мавзуларда долзарб масалаларни муҳофаза қилишди.

«Ниҳол» талабалар театр томошалари танловида талабаларнинг актёрлик, режиссёрлик, рассомлик, кўшиқ айтиш маҳорати синовдан ўтказилади.

— Намойиш этиладиган саҳна асарлари ёшларни ватанпарварликка чорлаши, уларнинг куч-ғайрати ва шижоатини оширишга хизмат қилиши, шунингдек, ёшлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши талаб этилади, — дейди Ахтам Рўзимуродов. — Ҳар бир асар маълум сюжетга асосланган ва образларга эга бўлган театр санъати намунаси (драма, пьеса, комедия, саҳналаштирилган ҳикоя ёки қисса) бўлиши зарур. Жамоа иштирокчилари фақат талабалардан шакллантирилади.

«Талабалар баҳори» ана шундай рангбаранг тадбирларга бой. Яхшиси, фестиваль иштирокчисига айланган, ўзингиз гувоҳ бўласиз!

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

САРМИШСОЙ:

Асрларнинг боқий садоси



(Давоми, боши 1-бетда)

... 4 май. Соат 10.00. Яшил гилам ёйган, чор-атроф гулларга бурканган Сармишсойда эрта тонгданоқ карнай-сурнай, дутор ва чанқовузнинг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестивал деб бочаси — халқ сайлига чорлади. Майдонга бадий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу ернинг ўзида барпо этилган мўъжаз сахналарда ҳар бир бадий жамоа фестивал учун тайёрлаган мусиқий дастурини ижро этди. Дорбозлар ўйини, улоқ-кўпқари, кўчор, хўрозлар «жанги» фестивал янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро туризм ярмаркаларида «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивалининг тақдиротлари ўтказилиб, ушбу ижодий лойиҳа ҳақида хорижликларга атрофлича маълумотлар берилган эди. Бу фестивалда иштирок этиш орқали табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлди. «Асрлар садоси» фестивалининг асосий тадбирлари билан ҳамюртларимизни кенгроқ таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида мазкур лойиҳа доирасида гала-концерт намойиш этилди.

... Сармишсойда шўх куйқўшиқлар янгради. Халқ амалий санъати усталари ижодига бағишланган ярмарка бўлиб ўтди. Фестивал учун ҳозирланган махсус расталарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган халқ амалий санъати усталари, моҳир хунармандлар, уларнинг шоғирдлари ўз ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Нурота каштачилиги, ёрқин ва бетакрор либослари, нақшинкор дўппилари, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошликнинг миллий хунармандчилигимизда алоҳида ўрни бор.

Махфират Тўрақулова нуроталик чеварларнинг тўртинчи вакили. У ўн еттинчи асрга оид Нурота каштачилиги намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Чевар қизнинг кўз нури, қалб кўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга жуда манзур бўлди.

— Мамлакатимизда миллий хунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳалламиз миллий хунармандлик марказига айланган бормоқда, — дейди Махфират Тўрақулова. — Бу ёшларнинг аждодларимиз касб-корида бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-хунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Сармишсойда шўх ялалар



янграб, жозибали рақслар авж олди. Юртимизнинг турли вилоятлари мусиқий меросини намойиш этувчи ўттизга яқин фольклор жамоа, бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг мазкур тадбирга бағишлаб тайёрлаган ранг-баранг дастурлари фестивалга янада кўтаринкилик, завқ бағишлади.

— Ушбу фестивал давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждодлардан авлодларга эъзозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лувр музейининг Шарқ маданияти ва санъати бўлими раҳбари Ронте Рокко (Франция). — Жаҳонда анъанавий маданиятга оид фестиваллар, танловлар кўп. «Асрлар садоси» ўзбек халқининг юксак маънавияти, ижодий-интеллектуал салоҳияти, бетакрор ва бой маданий меросининг ёрқин кўзгуси сифатида барчани ҳаяжонга солади. Сармишсойдаги мана бу тошларга ёзилган битиклар, суратлар, бу ерда ўтган фестивал тадбирларидан буни яққол кўриш мумкин.

Санъат байрами доирасида Бухоро шаҳрида «Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида маъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол» мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Манбашунослар, археологлар, меъморлар, олим ва экспертлар, хаттолар, ноширлар, хорижлик мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан маънавий меросимизни тадқиқ этишга оид лойиҳа жараёнлари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган экспедицияларда кўплаб зиёратгоҳлар, ёдгорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганildi. Айрим обидалардаги хира тортган ёзув-

лар қайта тикланди. Изланишлар натижасида жамғарма томонидан нашр этилган «Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари. VII-XI асрлар», «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоб-альбомлари Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи галереясида ўрин олиб, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозғоғистонда бўлиб ўтган халқаро китоб-ярмаркаларида бир неча номинациялар бўйича махсус диплом билан тақдирланди. Тадбир доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг меъморий обидаларни ўрганишга оид лойиҳаси доирасида нашр этилган олти китобнинг тақдироти ҳам ўтказилди. Китоблар Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива, Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий обидаларда муҳрланган битикларни ўрганишга бағишланган.

Шу кун Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланган «Биби Орифа» меъморий обидасининг тақдироти бўлиб ўтди. Айни пайтда Маънавий билимларни кўллаб-қувватлаш дастури доирасида ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 20 нафар иқтидорли талабасига стипендиялар топширилди.

— Мамлакатимиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб бораётгани, маънавият ва маърифат ривожини йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор шу каби ёрқин фестивалларнинг юксак савияда, шоду хуррамлик билан ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди италиялик хонанда Массимо Гальфано. — Бу табаррук заминдаги файзли ва обод, гавжум масканлар, халқингизнинг самимий, очиқ ва бахтиёр чеҳраси, юз-кўзидаги шукроналик туйғусига

жуда-жуда ҳавасим келди. Италияга қайтган, гўзал Ўзбекистон ҳақида кўшиқ яратмоқчиман.

5 май кун Сармишсой дарасида халқ сайиллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фольклор жамоаларининг чиқишлари, бахшилар ижролари, лапар ва айтишувлар давом этди. Ўзбек пазандалик мактабининг бой анъаналарини намойиш этувчи Миллий таомлар фестивали ҳамда ошпазлар мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалнинг ёрқин тадбирларидан яна бири — Миллий либослар намойишида ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугунги ва истиқбол ҳақида маълумот берилди. Либосларнинг Зарафшон воҳасига хос хиллари — яшил, зангори, бинафша тусли, ўзига хос бичими, гўзал нақш каштали кийимлар билан бирга анъанавий либослар, замонавий мода намойиши фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— «Асрлар садоси» ижодий лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти, тадбирлари кўламининг гоёт кенглиги ва ранг-баранглиги билан мени мафтун этди, — дейди Канада университети профессори, тарихчи олим Давид Схиммельпэннинг ван дер Ойе. — Изчил тараққий этаётган, тобора чирой очиб бораётган Ўзбекистонда ибратли анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор барчанинг ҳавасини тортмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг истиқболга янада буюк эканидан далолат беради.

Кўҳна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга оқшом тушди. Рангин чироқлар, турфа безаклар бу масканга ўзгача шуқуқ, байрамона кайфият бағишлади. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат муттасил ривожланиб бораётган мамлакатимизда «Асрлар садоси» каби фестивалларнинг юқори савияда, байрамона руҳда ўтказилиши янгидан-янги ижодий лойиҳалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фольклор жамоалари, турли танловлар голиблари — ижрочи ёшлар, санъат усталари, хорижлик хонанда ва созандалар иштирокидаги катта концерт тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ва совғалар топширилди.

**Назokat УСМОНОВА,
Нуриддин РАХИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

Hududlardan mujdalar

СУРХОНДАРЕ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят ҳокимлиги, вилоят «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти сардорларидан иборат «Фамхўрлик» гуруҳи аъзолари Термиз шаҳридаги бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларидан хабар олишди.

Улар кексалар билан дилдан суҳбатлашиб, уй юмушларига кўмаклашди. Бундан хурсанд бўлган уруш фахрийлари, юртимизга кўз тегмасин, Юртбошимиз омон бўлсин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, дея дуога кўл очишди.

Бундай тадбир Термиз шаҳридаги банк коллежида ҳам бўлиб, унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Уч авлод» учрашуви ташкил этилди. Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Фамхўрлик» гуруҳи нафақат Хотира ва қадрлаш куни арафасида, балки йил давомида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар, имконияти чекланган кексалар ҳолидан хабар олиб, улар билан мунтазам учрашувлар олиб боради.

Ҳозир «Камолот» ЁИХнинг туман ва шаҳар кенгашларида «Фамхўрлик» гуруҳлари тuzилган.

НАМАНГАН

Наманган шаҳридаги 2-тиббийет коллежида «Оммавий маданият»нинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири ва унинг олдини олиш» мавзусида ўтказилди.

Вилоят «Ёшлар маркази» томонидан ташкил этилган ушбу тадбир ёшлар ўртасида учраётган турли зарарли иллатларнинг олдини олишга қаратилди. Тадбирда «оммавий маданият» ниқоби остида ёшлар онгига кириб бораётган зарарли иллатларнинг салбий оқибатлари слайд ҳамда видеороликлар орқали кўрсатиб берилди. Ёшлар эса ахборот хуружидан сақланиш ва унинг салбий оқибатлари тўғрисида яна бир бор маълумотга эга бўлишди.

Тадбир иштирокчилари «Ёшлар маркази» ва унда яратилган шароитлар, фаолият олиб бораётган тўғарақлар билан ҳам яқиндан таништирилди.



Коллежда васийлик кенгаши

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча касб-хунар коллежларида васийлик кенгашлари ташкил этилган. Кенгашнинг асосий мақсади касб-хунар коллежларининг моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил этиш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Қувончига биз ҳам шерикмиз

Ишимиз кўпроқ ёшлар билан боғлиқ: никоҳдан ўтиш учун келган ёш келин-куёвларни кўриб, ҳавас қиламиз. Тўйларнинг кўплиги мамлакатимиздаги барқарорлик ва тинчликдан, жамиятдаги фаровонликдан далолатдир. Айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар бизнинг фаолиятимизда ҳам яққол кўринади. Олдимизга келган ҳар бир фуқарога ўз ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида тушунча берамиз, ёшларга эса, ҳаётини мисоллар билан оила мажбуриятларини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Жойларда бўлиб ўтадиган семинар ва давра суҳбатларида давлатимизнинг бугунги сиёсатини, турли фармон ва қарорларнинг моҳиятини тарғиб-ташвиқ қиламиз. Буларнинг барчаси тарғибот ишларимизнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Обод турмуш йилида ҳам ана шундай мазмундаги ишларимиз яна давом этмоқда. Узим фаолият кўрсатаётган Жиззах вилояти Фаллаорол тумани мисолида айтадиган бўлсам, бажариладиган барча ишлар режаси, чора-тадбирлар аниқ белгилаб кўйилган. Ва шу асосда иш олиб бораёпмиз.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бандликни оши-

риш, бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш давлатимиз олдида кўйган улкан мақсадлардан биридир. Айниқса, биринчи навбатда, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам ҳамда кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурда асосий чора-тадбирлардан бири

қилиб кўрсатилган. Туманда 4799 та янги иш ўрни яратган ҳолда аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бу иш ўринлари янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига яратилади. Қолаверса, касб-хунар коллежларини 2012-2013 ўқув йилида битирувчи 2164 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам ишлар бошлаб юборилган. Ҳозирда коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун корхона ва ташкилотларга бириктирилган.

Обод турмуш йилида халқнинг турмуш даражасини ошириш, муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш асосий ишлардан биридир. Фаллаорол туманида бу йил иккита қишлоқ мавзеси худудида намунавий лойиҳалар асосида Мирзабулоқ ҚФЙ-

да 20 та, Молтоб ҚФЙда 35 та яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш мўлжалланган. Эндиликда ёш оилалар барчамиз ҳавас қилаётган ана шундай уйларида истиқомат қиладилар. Иккита яқка тартибдаги уй-жой қишлоқ мавзесида ва етти та қишлоқ аҳоли пунктида 17 километр сув тармоқлари тизимини барпо этиш ҳам дастур чора-тадбирларидан биридир.

Яна тўйларга қайтамыз. Тўйлар турмушимиз ободлигининг рамзи, деймиз. Шундаймасми?! Бу йил ҳам тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бир неча ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Бу хайрли тадбирда биз ҳам муносиб иштирок этамиз. Бундай савобли ишларда бизнинг ҳам ўзига яраша ўрнимиз борлигидан, ёшларнинг қувончига биз ҳам шерик бўлаётганимиздан кўнглимизда ифтихор уйғонади.

Роҳат НОРКУЛОВА,
Фаллаорол туман ФХД
мудираси

Фаровонлик омили

Мамлакатимизда солиқ тўловлари миқдори камайтирилиб, бу борада ислохотлар такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, даромад (фойда) солиғи 2005 йилда 15 фоиз, 2007 йилда 12 фоиз, 2008 йилда 10 фоиз бўлган бўлса, жорий йилдан 9 фоиз қилиб белгиланди.

Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, айни вақтда хўжалик юритувчи субъектлар даромадларидан етти йил аввалгига нисбатан олти фоиз кам солиқ тўламоқда.

2013 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсати концепцияси ҳам ана шу жараённинг изчил давом этаётганидан далолат беради. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан, аҳоли да-

ромадлари ва харид қобилиятини ошириш мақсадида 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг кўйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилди. Шунингдек, 2013 йил 1 январдан бошлаб қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисо-

Jarayon

Ушбу ҳаракатни Ангрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин. Коллежнинг васийлик кенгаши таркибига кирган «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси Тошкент филиали жамоаси ҳамкор ташкилот сифатида амалий ишларни йўлга қўйган.

— Васийлик кенгаши таълим муассасидаги ҳолатни ҳамда камчиликларни яқиндан ўрганиб чиқмоқда ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий таклифларни билдирмоқда, — дейди коллеж директори Абдуҳаким Мамадалиев. — Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида коллежимиздаги ахборот-коммуникацион технология йўналиши бўйича махсус хона жиҳозланди. Ахборот-ресурс маркази махсус фан адабиётлари билан таъминланмоқда.

Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари учун хайрия тадбири ташкил этилди ҳамда улар кийим-кечак, ўқув қуроллари билан таъминланди. Булардан ташқари, таълим муассасасини таъмирлаш ишларига молиявий ёрдам кўрсатилди.

Хуллас, коллеж ва корхона ҳамкорлигини изчил йўлга қўйишда ташкил этилган васийлик кенгаши муҳим роль ўйнамоқда.

Гулжаҳон СУВОНОВА

2013-yil — Obod turmush yili

«ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИ» ТАНЛОВИ

Азиз ёшлар! 2013 йил 7 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти (www.parliament.gov.uz)да ёшлар ўртасида «Парламентаризм билимдони» танловининг дастлабки тури ўтказилмоқда.

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари:

1. Танлов иштирокчиси — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар.

2. Танловнинг мақсади — ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш, улар орасида Конституция ғояларини кенг тарғиб қилиш, қонунларни қабул қилиш ва миллий парламентаризм фаолияти тўғрисидаги баътафсил ҳамда ишончли ахборотларни олиш, шунингдек, ёш авлоднинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий тафаккурини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўйиш.

3. Танловда қатнашиш қоидалари — танловда иштирок этишни хоҳловчилар танлов иштирокчиси сўровномасини тўлдирдишлари лозим. Унда ўзи ҳақидаги маълумотлар (исми-шарифи, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш манзили, телефон рақами), албатта, кўрсатилиши шарт. Танлов иштирокчисининг сўровномаси Қонунчилик палатаси веб-сайтида жойлаштирилади.

4. Танловнинг асосий шартлари — танлов саволлари Қонунчилик палатасининг веб-сайтида ҳар ҳафтанинг **сешанба** куни жойлаштирилади. Танлов иштирокчиларининг жавоблари савол эълон қилинган ҳафтанинг **якшанба** кунигача қабул қилинади. Ушбу муддат давомида ҳар бир қатнашчи саволларга фақат бир марта жавоб бериши мумкин.

5. Танлов саволларининг йўналишлари:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти;

— Депутатлик бирлашмалари фаолияти (сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари сони, уларнинг таркиби ва ваколатлари).

6. Танловни баҳолаш мезонлари — ҳар бир тўғри жавоб бир баллдан баҳоланади. Барча савол ва жавобларнинг вариантлари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилади. Қонунчилик палатаси веб-сайтида ҳар **душанба** куни танлов қатнашчиларининг рейтинг жадвали эълон қилинади, унда қатнашчилар исми-шарифи ва умумий баллари кўрсатилади.

7. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш — танлов натижаларига кўра, йиғилган балларнинг миқдорига қараб ғолиблар аниқланади. Ғолиблар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Фаоллик кўрсатган ёшлар Қонунчилик палатасида ўтказиладиган тантанали тақдирлаш маросимида қатнашадилар ва Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишадилар.

8. Танловни ўтказиш муддати — 2013 йил 7 майдан 2013 йил 1 декабр-гача.

9. Танловнинг якуний тақдирлаш маросими Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида ўтказилади.

Он-лайн танловнинг бошқа танловлардан фарқли жиҳати саволлар компьютер базанинг электрон тармоғига киритилган бўлиб, жавоблар электрон тартибда ҳисоблаб чиқилади.

ТАНЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ ВА ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИГА АЙЛАНИНГ!

Қувондиқ ТОШМАТОВ,
Тошкент молия институти
магистранти

9-may — Xotira va qadrlash kuni

Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир.

Ислом Каримов



Жонга пайваста қадрият

Май — баҳорнинг кенжа фарзанди. Биласиз, одамларда кенжатоиларни бошқача суйишади. Аммо табиатда ўзгачароқ таомил ҳукмрон. Унда ҳамма фасл бир, ҳар бир фасл ўз жигарбандларини бирдек кўради.

Тўғри, март ўзининг бойчечаги, гўзал байрамлари билан фахр этар балки. Келинчақдек безаниб, солланиб турувчи апрелнинг-да барча гўзалларга хос эркаликлари бор. Бироқ хокисоргина, камтаргина май ҳаётимизга жимгина, шовқин солмасдан, шундай кириб келадики, уни индамасдан яхши кўриб қоласиз. Унинг гўзал ва сеvimли экани мунис қизғалдоқларида ёки ёқимли, илиқ ҳавосида эмас. У инсон учун азиз хотираларни ёдга солиши, одамларнинг бир-бирига ғанимат эканини яна бир бор эслатиши билан ҳам суюклидир.

Хотира ва қадрлаш кун — бу оддий сана эмас, у инсон қалбига оид, азиз туйғулари билан боғлиқ, жисму жонига пайваста муборак сана. Ҳаммага бирдай тегишли, ҳар бир инсон бу — айнан мен учун аталган кун, дея айта оладиган ўзбекнинг бағри каби кенг қутлуғ сана. Ахир, одам боласи борки, хотиралар билан яшайди. Эҳтимол, тирикликнинг устунларидан

бири ҳам ана шу — хотирадир. Эслаш оғирдир, қийноқлидир, азоблидир, лекин барибир хотирасиз инсон бағри бутун бўлолмайди. Хотира — нафақат ўтган яқин инсонингни эслаш, соғиниш, қўмасаш, балки ўтмишни ёд этиш, яхшисидан ўрнак, ёмонидан ибрат олиш, хулоса чиқариш учун восита. Бу кунда ўтганингни дод-вой солмай, балки яхшилик билан эслаганинг каби, атрофингдаги яқинларинг, жигарларинг, севикли инсонларинг, дўстларинг, замондошларингни қадрлашинг, эъзозлашинг кераклигини яна бир қайта англайсан, киши.

Меҳр-оқибат нима ўзи? Савол жуда оддий, жавобини мураккаб математик масаланинг ечимини қидиргандек қидирмайсан. Унинг жавоби юрагининг ўзида бўлади. Қадр, меҳр, муҳаббат туйғулари асл инсоний туйғулар ўлароқ, қалбларимизни мунаввар этиб туради.

БОБОЛАР СЎЗИ — ҲИКМАТ

Уруш ҳақидаги биз, бугунги авлод тасаввурларимиз китобларда ўқиганларимиздан, боболаримиз сўзлаб берган ҳикоялардан, киноларда кўрганларимиздан

ҳосил бўлган тасаввурлар, холос. Ҳар биримизнинг боболаримиз, ҳамшаҳар, ҳамқишлоқларимиз ўша машъум кунларни кўрган ва, табиийки, уларнинг кейинги дориломон кунларга қай тариха шукр қилганликларини кўрганмиз, эшитганмиз. Шунинг ўзиёқ бизни тинчликнинг, осойишталикнинг қадрига етишимизга ундаб туради.

Менинг ҳам бобом Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида вафот этган бобомдан авлодларига боғ ва узумзор мерос қолган. Бугун ундан фарзанду жигарбандлари баҳраманд. Лекин у кишидан қолган энг катта бойлик бу эмас.

— Омин! Ҳамманг бахтли бўлинглар, ҳеч қачон уруш кўрманглар! — дея дуо қиларкан у киши ҳар гал дастурхон бўйида. Ўзиям, оғзиям полвон, тилидан ҳамиша ҳам бундай шоирона гаплар чиқавермайдиган бобомизнинг бу тилагини эшитиб, неваралар кулишар экан. Бугун ана шу неваралар — ўзлари салкам бобо ёшига етиб қолган инсонлар у кишининг сўзларини катта бир китобни ўқиб, у ҳақда гапиришаётгандек эслайдилар. Бобомиздан қолмиш энг қимматбахо бойлик, аслида, ана шу эзгу тилак

эканини англайдилар.

Бу-ку, бир оддий қишлоқ одамнинг анчайин самимий, содда гапи, тилаги. Энди ўйлаб кўринг-чи, юртимизга қанчадан-қанча улуг боболарнинг табаррук дуолари синган. Юртбошимиз раҳнамолигида неча-неча аллома, неча-неча фозил, неча-неча азизларнинг номлари тилларимизда яна яхшилик билан янграй бошлади. Имом Бухорий, Ҳазрати Имом, Амир Темур ва яна қанчадан-қанча буюк бобокалонларимизнинг қадамжолари яна аввалгидек файзу тароват касб этди. Ўтмишини унутган халқ залолатга, ўтмишини унутмаган, ҳар қанақа ҳолатда ҳам тарихни борича қабул қилган, ундан етарли хулосалар чиқара оладиган халқ камолотга юз тутишини даврининг ўзи ҳаммамизга кўрсатиб турибди.

ҚАДРИНГИЗ БАЛАНД БЎЛГАЙ!

«Дўст билан обод уйинг!» дея дўстлар шаънини улуглаб, дўстликни юксак пардаларда тараннум этади улуг шоиримиз. Ҳа, ҳар бир уй дўстлар билан, қариндош-уруғ, яқин-йўлдош, опасингил, ака-ука, жигарлар билан ободдир. Бир-бирини ардоқлаган, шоир айтмоқчи,

бир-бирини ботирим деб улуглаган, қадрлаган, эъзозлаган элнинг эртаси мунаввар бўлади.

Ҳар гал 9 май санаси яқинлашганда ана шу фикрлар хаёлга келади.

Ҳа, қадр — нақадар бебаҳо тушунча. Унинг ҳаётдаги энг гўзал, энг керакли туйғулардан бири эканини исботлаш учун, инсон ҳаётига бир назар солишининг ўзи кифоя. Дейлик, алгебрадан беш баҳо олиб келган ўсмир уқангиз ёки ўғлингизни бирор совға билан қутласангиз, ўша совға кўп борса, урфдан қолгунча унутилмаслиги мумкин. Бироқ уни бир оғиз ширин сўз билан сийласангиз, бу ўша йигитчанинг хотирасида бир умр қолади. Сиз уни яхши кўришингизни билдирган бўласиз. Узоқдаги қариндошингиз ёки курсдошингизга миллион сўм узата олмасиз, аммо шу сўзларни ўқинг-у, унга кўнғироқ қилинг, дийдорлашишга келишинг, миллион сўмингизни олгандан кўра кўпроқ хурсанд бўлмаса, айтасиз. Ҳа, қадр деганлари, меҳр деганлари мана шундай-да!

Ҳамиша қадрли бўлиб яшаш бахти насиб этгай сизга, азиз юртдош!

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири

БУ ЗАМОНЛАР УЧУН ШУКРНИ КАНДА ҚИЛМАНГ!

Юрт осмонининг мусаффо бўлиши нақадар бебаҳо неъмат. Бугун юртимиз тинч, элимиз фаровон турмуш кечираётгани, сиз, невараларим, ўғилқизларим, бутун Ўзбекистонимиз ёшлари ана шундай мусаффо осмон остида, мана шундай азиз ва муқаддас заминда яшаётганингиз, униб-ўсаётганингизни кўриб, кўзимиз қувнайди.

Яқинда кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган халқаро фан олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчиларнинг зафарини эшитиб, бошим кўкка етди. Бизнинг авлод бундай имкониятларга эга эмасди. Бугун ёшларимиз исталган соҳада дунё ёшлари билан беллаша олади. Керак бўлса, ўзларининг истеъдод ва салоҳиятлари билан бутун жаҳонни лол қолдиришлари мумкин. Бу ҳам

бўлса, муҳтарам Юртбошимиз, ёшларга ҳам, биз кексаларга ҳам бирдай мурувват қилувчи, нафақат байрамларда, қутлуғ саналарда, балки ҳамиша бизни эъзозловчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишларнинг самарасидир.

Хотира ва қадрлаш кун арафасида, истиқлол фарзандлари бўлмиш сиз, азиз ёшларга қарата, шундай улуг замонларнинг, давлатимиз яратиб бераётган имконларнинг қадрига етинг, шукронани канда қилманг, дейман.

Абдурасул ҚАЮМОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
Фаргона вилояти Учкўприк тумани
Юлғунзор қишлоғи

ХОТИРА — ЭЗГУЛИҚДИР

Бу дунёдан ўтган азиз инсонларни, ота-боболаримизни, моларимизни эслаш, улар амалга оширган эзгу амалларни ёдга олиш, биз, ёш авлод қалбида буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришда бу қутлуғ сана — 9 май — Хотира ва қадрлаш кун, айниқса, муҳим ўрин тутди.

Хотира ва қадр инсон қалбининг энг юксак туйғуларидан. Ўтганларнинг хотирасини, руҳи покларини улуглаш, шунингдек, бугун ёнимизда яшаётган нуроний отахону мунис онахонларимизни қадрлаш фазилатли инсонларгагина хос. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида етти аждодини билиш катта аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг ёди-хотирасини эслаб туриш, уларга муносиб ворислар бўлиш, пок руҳларига эса дуои фотиҳалар айтиш, қолаверса, бугунги дориломон кунларимизга шукрона келтириб яшаш биз, ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳолида ЖЎРАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Inson aziz, xotira muqaddas

Жасоратинг мангу қолажак

Ўша машғум куни Мансур ишга отланар экан, умр йўлдоши Зулайхога:

— Негадир ота-онамни кўргим келяпти, қишлоққа бормаганимизга ҳам анча бўлди, — деди.

— Наврўзда олиб бораман, дегандингиз, бирор кун дам олишга чиқсангиз, бориб келардик. Кексаларни байрам кунлари йўқлаб туриш керак, — деди аёли жавобан.

— Байрам кунлари биз кучайтирилган тартибда ишлашимизни биласан-ку, озгина кечикиб бўлса ҳам йўқлаб келамиз, — деди Мансур.

2004 йилнинг 29 март куни тахминан тунги соат 1.40 лар чамаси эди. Профилактика катта инспектори, катта лейтенант Мансур Турғунов ҳамкасби, шу пайтдаги капитан Мирзохид Қолдибоев билан пойтахтнинг Яккасарой туманидаги «Кушбеги» ва «Бошлиқ» мавзеларида «Тун» тадбирида иштирок этишгаётган эди.

Улар Тошкент тўқимачилик комбинати ёнида «Тико» русумли автомашинада ўтирган кишиларни кўришади. Уларнинг атрофга аланглаб, ҳадиксираб қарашидан шубҳаланган ички ишлар ходимлари машинага яқинлашишади. Қоида бўйича номаълум шахслардан ҳужжатларни кўрсатишни та-

лаб қилишади. Улар ҳужжат кўрсатиш ўрнига ёнидан ўқ отар курул чиқариб, профилактика инспекторларига қараб ўқ узади. Тўсатдан отилган ўқдан Мансур Турғунов воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади.

Мансур Турғунов 1969 йилда Хатирчи туманидаги Мойбулоқ қишлоғи (ҳозирги Қўшрабат тумани)да Абдусалом ота ва Шафоат (мархум) аяларнинг оиласида туғилган. 32-мактабни битиргач, ҳайдовчилик курсида ўқийди. Армия сафида хизмат қилиб қайтади.

Хам ўқиб, ҳам ишлаб тажриба орттирган Мансур Турғуновга туман ИИБ раҳбарияти катта ишонч билдириб, 1997 йилда участка вакили лавози-

мига тайинлайди.

Ички ишлар идораларида ўтказилган ислохотлар давомида барча участка вакиллари қатори М.Турғунов ҳам профилактика инспектори вазифасига ўтказилади.

Мансурнинг бошқа ҳамкасбларга ўрнак бўладиган хислатлари кўп эди. Унга бирор топшириқ берилса, бекаму кўст адо этарди. Айниқса, милиция таянч пунктида юритиладиган ҳужжатлар жилдлари намунали даражада бўларди. Ҳар қандай буйруқлар ўз вақтида бажарилиб, ижроси тўғрисида ахборот бериларди. Шунинг учун ҳам раҳбарият ёш ходимларга, катта лейтенант Мансур Турғуновдан ўрганишлари лозимлигини тез-тез таъкидлаб ўтарди.

Мансур Наврўз байрамини ўтказиб, кадрдон қишлоғига етиб боролмади. Унинг яна бошқа орзулари ҳам ўзи билан кетди. Лекин унинг ҳамқишлоқлари, ота-онаси шундай мард ўғлондан фахрланса арзийди.

— Фарзандимиз Мансуржон жуда беозор, бошқаларга қўлидан келганча яхшилик қилишга ҳаракат қиладиган инсон эди, — дея ўғлини хотирлай-

ди Абдусалом ота. — Мана, у ўтиб кетганига бир неча йил бўлса-да, ҳамкасблари, дўстлари, ишлаган жойидаги раҳбарлари йўқлаб туришади. Яқинда ҳам улар келиб, Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан фарзандларига сова-салом улашиб кетишди. Яккасарой тумани ИИБда унга ва хизмат вақтида ҳалок бўлган бошқа ҳамкасбларига атаб ўрнатилган монументга бориб, гуллар қўйиб, ўғлимни яна бир бор ёд этиб келдик.

Мансур Турғуновнинг номи абадийлаштириш мақсадида қилинаётган ишлардан яна бири унинг хотирасига бағишлаб анъанавий тарзда футбол мусобақаси ўтказиб келинаётганидир. Бу мусобақада пойтахтимиздаги барча туман ички ишлар бошқармаларида хизмат қилаётган спортсевар ходимлар иштирок этиб келади. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани Мойбулоқ қишлоғидаги кўчаларнинг бирига унинг номи берилган.

У турмуш ўртоғи Зулайхо билан фарзандлари Музаффар ва Наргизани тарбиялаб вояга етказди. Афсуски, Мансуржон уларнинг камолини кўра олма-

ди. Музаффар ҳозирда касбухона коллежида ўқийди. У ҳам отасидек осойишталик посбони бўлмоқчи. Наргиза ҳамшираликни танлаган.

Мансуржон бу дунёни тарк этганидан сўнг укаси Хуснидин Турғунов ҳам акасининг изидан боришга аҳд қилди. У ҳозирда Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ИИБ бўлим инспектори бўлиб хизмат қилмоқда, унвони кичик сержант.

Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этиб, айбдорларни қўлга олишни ўзининг асосий вазифаси ва бурчи деб билган Мансур Турғунов кўрсатган мардлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Унинг кўрсатган мардлиги ва жасурлиги соҳада хизмат қиладиган осойишталик посбонлари учун намуна бўлиб қолади.

**Улуғбек ТУЙМАОБОВ,
ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш бош
бошқармаси матбуот
котиби, подполковник**

Ҳамиша эҳтиром билан эслашади

Пойтахтимиздаги Хотира майдонида Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган минглаб юртдошларимизнинг номлари абадийлаштирилган.

Шулар орасида бухоролик уруш қаҳрамони Халлоқ Аминов ҳам бор.

Ҳали-ҳанузгача бу инсон ҳақидаги ёрқин хотиралар қишлоқдошлари, фарзандларию набиралари қалбида сақланиб келмоқда.

Халлоқ бобо Шофиркон туманидаги Искораге қишлоғидан. У оддий деҳқон йигит эди. Урушга сафарбар этилмасдан аввал — 17 ёшидаёқ оиласи билан кўчиб келган она қишлоғи яқинидаги Каттабеккўли деган жойда кичик бир артелга бригадир этиб сайланди. Бу ердаги чим ва зах босган ташландиқ ерларни ўзлаштиришга катта ҳисса қўшди. Каттабеккўлида янги экин майдонларини ташкил этиш мақсадида ўн битта қудуқ қаздириб, сув насосларини ўрнатди. Маҳаллий аҳоли бу қудуқларни «Қаҳрамон бобо қудуқлари» деб атаган. Ҳозир ҳам улардан экинларни сугоришда асосий сув манбаи сифатида фойдаланилмоқда.

1941 йилнинг декабрида Аминбобо хонадонидан икки ўғил — Халлоқ ва Сулаймон фронтга жўнаб кетди. Умида бирор марта ҳам қўлида автомат ушламаган ёшгина Халлоқ Аминов, табиийки, жанг майдонларидаги даҳшатларни хаёлига ҳам келтиролмасди. Бироқ тинчлик йўлида курашишни ўзининг шарафли бурчи деб билди. Уни 1-эскадрон бўлимига хизматга олишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, шофирконлик оддий аскар Халлоқ Аминовнинг фотосурати фронт газетасида чоп этилди. Газета унинг навбатдаги ҳужум чоғида сафдоши билан бирга, уч нафар душманни асир олганини ёзиб чиқ-

қанди. Бу ўзбек йигитининг фронтда кўрсатган дастлабки қаҳрамонлиги эди. Кейин у яна такорор ва такорор жангларда душман билан мардондор олишди. Айниқса, 1943 йили ўз бўлими билан Днепр дарёсини беҳисоб ўқ ва снарядлар остида биринчилардан бўлиб кечиб ўтганида унинг номи бутун Чернигов дивизиясида танилди. Худди шу — Днепр бўйидаги ҳарбий операция чоғида кўрсатган жасорати учун Халлоқ Аминовга қаҳрамон унвони берилиб, кўксига «Олтин Юлдуз» медали тақилди. Ҳозир Киев шаҳридаги ҳарбий музейда юртдошимизнинг қаҳрамонлигига бағишлаб алоҳида бурчак ташкил этилган. Унда «Ўзбек ўғлини Халлоқ Аминовнинг жасорати» деган ёзув бор.

Халлоқ Аминов жанглардан бирида қўлидан оғир яраланди. Шунда ҳам фақат саккиз ойдан кейингина она юртига қайтиш насиб этди.

— Урушдан қайтганда отамни бутун қишлоқ аҳли қарши олганини яхши эслайман, — дейди Халлоқ Аминовнинг ўғли, олий тоифали шифокор-жарроҳ Исроил Халлоқов. — Бугун қишлоқ қариялари билан учрашганимда, раҳматли отамни эслашиб, ҳурмат-эҳтиром билан мени дуо қилишади. Чунки отам, фронтда ярадор бўлганига қарамай, кўп йил ҳўжаллик раиси бўлиб ишлади. Қишлоқ йўлларини асфальтлаштириш, газ,

электр энергияси, тоза ичимлик сувини олиб келиш, янги тураржой ҳамда замонавий мактаб биноларининг қурилишида фаоллик кўрсатди. Отам сўзлаб берган воқеаларни биз, кейинчалик бизнинг фарзандларимиз мароқ билан тинглашди. Бундай ҳикоялар ёш авлод тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Чунки ёшлар бугунги дорилонмон кунларга етишмоғимиз учун қанчадан-қанча ота-боболар ўлим билан рўбарў келганини, бу инсонларни ёд этиш, хотирасини мангу сақлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз эканини билишлари керак. Шукрки, юртимизда уруш ва меҳнат фахрийларига юксак иззат-икром кўрсатилмоқда. Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва кадрлаш куни сифатида кенг нишонлаб келинади. Отам вафот этганига йигирма йил тўлапти. Аммо хотираси ватандошларимизнинг тили ва қалбидан ўчгани йўқ. Юртбошимизнинг ташаббуси билан истиқлол йилларида пойтахт ҳамда республиканинг бошқа барча шаҳарларида Хотира хиёбонлари барпо этилди. Тошкент шаҳридаги Хотира майдонида ўрнатилган зарҳал китоб саҳифаларида отамнинг номини кўриб, ҳар гал бошим кўкка етади. Бундай юксак эътибор учун давлатимиздан миннатдорман.

Бир қўлида кетмон, бир қўлида қурол билан умрини юрт ободлигига бағишлаган Халлоқ Аминовга ўхшаш инсонларнинг ҳаёти барчамизга ибрат. Бугун Каттабеккўлида ўсиб-улғаяётган қанчадан-қанча ёш ўғил-қизлар у кишини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этишади.

Наргиза УМАРОВА

Фахрийлар ЭЪЗОЗДА

Миллий матбуот марказида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва устоз журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган бу хайрли тадбирда фахрийлар ва устоз журналистлар бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, унинг кадрига етмоқ шу азиз ва муқаддас заминни Ватан билган ҳар бир инсон, хусусан, ёш авлод учун асосий вазифалардан эканини таъкидлашди. Юртбошимизнинг шу йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони фахрийларга бўлган улкан эҳтиромнинг ёрқин намунаси эканини эътироф этишди.

Тадбирдан сўнг фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилди. Файзли гурунг асносида уларга совғалар топширилди.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА
«Turkiston» мухбири**

Кичик асарларда улкан маъно

Биз гоҳида кўз юмолмайдиган, кўз юмсақ-да, сира тинчлик бермайдиган мавзулар бисёр, фақат уларни топиш, илғаш, ёзиш ва қай усулда етказа олиш — катта маҳорат.

Таниқли адиб Эркин Аъзамнинг «Жаннат ўзи қайдадир» китобидан жой олган публицистик миниатюралар жамланмаси ҳажман кичик, ammo мақсад ва муддаоси қисқа, лўнда, аниқ, равшан, ёруғ сўзлар билан тасвирланган. «Бой бўлайин десангиз», «Юзга кириш шартми?», «Уят бўлади», «Санъат — кимники?», «Мени сайланг», «Мени сайланг», «-Ов», «-ов», «-вич» «-вич», «Кўланкаси майдонлар» каби мавзуларнинг ўзиёқ ёзувчи маҳоратини яққол кўрсатиб турибди. Унинг ёзганлари бошқаларга ўхшамайди,

жимжимадор сўзлардан холи.

Эркин Аъзам асарларини ўқиганимизда кўнглимизнинг туб-тубида асраб юрган, ҳаётда кўрган-билганларимизни топамиз. Китоб ёзиш фақат чиройли сўзларни саралаш эмас, балки ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни китобхонга етказиб бериш шартлигини англаймиз.

«Кўз-кўз қилманг, кўз тега» сарлавҳали мақоласида эса, барчамизнинг меъданизга теккан рекламалар тўғрисида аччиқ, танқидий мулоҳазалар юритилган. Ал-

батта, бозор иқтисодиёти даврида ҳеч ким бунга қаршилик қилолмайди, бироқ ҳар ишнинг меъёри бўлгани яхши, назаримизда. Доридармонлар рекламасидан бўшаётган воситалар гўёки одамларнинг ҳаммаси дарддан қийналаётганини сўзлаётгандек. «Қорин тўйғизадиган ноз-неъматлар туриб, алланимало «мўъжизавий» ҳақдорилар таъриф-тавсиф этилади. Ичса, ўлган одам тирилиб кетармиш, еса, мункиллаган чол ёш йигитга айлиб қолармиш! Афсуски, шундай чўпчакларга лаққа тушадиган анойи «ўлик»лар ҳам, ёшлигини туш кўриб юрган хомхаёл чоллар ҳам кам эмас. Шўрлик реклама қурбонлари!»

Ҳа, Эркин Аъзамнинг ҳар

бир публицистик миниатюрасида ҳаёт уммонидаги ҳақиқатлар юзага қалқиб чиққан. Уларни ўқиганимизда воқеалар кўз олдимиздан бирма-бир тизилиб ўтаверади. Ёзувчи шунчаки ёзмайди, балки шу халқ учун, инсонлар учун куйинганидан, майда иллатлар катта фожиаларга сабаб бўлишини, шошмасдан-шошилишни таъкидлайди.

Бугун ҳам адабиёт, ҳам журналистикада ўз ўрни, мавқеига эга Эркин Аъзам ёзганлари ҳамиша талабгир. Сўз билан гўёки жанг майдонидаги жангчи каби кураш олиб бориб, энг сараларини, инсонлар кўнгли торини чертадиганини топиб фойдаланувчи талабчан, зукко адиб. Унинг ўзига хос самимийлиги асарларига-да кўчади.

Ирода ТУРДИЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

Mutolaa



Қонун барчага баробар

Португалия терма жамоаси ҳужумчиси ҳамда «Реал мадрид» клуби етакчиси Криштиану Роналду машғулотлардан қайтаётганда Мадрид патрул хизмати унга тўхташни буюрган.

Бироқ ҳужжатлари тўлиқ бўлмагани сабабли, Роналду тўхтамасдан, йўлида давом этган. Шундан сўнг полициячилардан бири унинг машинасига қарата номаълум жисм улоқтирган. Натижада, Роналдунинг жаҳли чиқиб, тўхташга мажбур бўлди. Криштиану ўз вақтида ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсата олмагани сабабли, полициячилар уни тегишли бўлимга олиб бордилар. Фақат Роналдунинг ҳайдовчилик гувоҳномаси полиция бўлимига етказиб келингандан сўнггина у авф этилиб, қўйиб юборилган. Ким билади, дейсиз, балки полициячилардан бири «Барселона» футбол клубига мухлислик қилар-а?

Рекорд ўрната олмади

Ҳиндистонлик Салендра Натх Рой соч ёрдамида юк тортиш бўйича ўз рекордини янгилаш вақтида вафот этди.

Ҳиндистондаги Тиста дарёси устидан сочига осилган ҳолда ўтаётганда, сочи симга ўралиб қолган. Маълумотларга қараганда, Рой сочининг чигалини ечиш учун кўп вақт сарфлади ва 45 дақиқалик осилиб туриш натижасида воқеа жойида юраги тўхтаб қолди. Салендра Натх Рой 21 метр баландликдан 183 метр масофани сочига осилган ҳолда босиб ўтмоқчи бўлган. Лекин салкам 90-метрга етганда юқоридаги муаммога учради. Етиб келган кутқарувчилар гуруҳи салкам бир соатлик уринишдан сўнг уни қутқариб, шифохонага етказишди. Бироқ воқеа жойининг ўзида Рой вафот этган эди.

Спорт учун йўл очилди

Кубада профессионал боксга нисбатан қўйилган тақиқ бекор қилинди.

Ушбу тақиқ орол-мамлакатда 51 йил аввал жорий этилган эди. Мамлакатнинг ўша вақтдаги раҳбари боксни ахлоқсиз спорт тури дея атаганди. Айни кунларда ҳаваскорлик бокси Кубада гуллаб-яшнаган, бу спорт тури бўйича кубалик спортчилар турли халқаро мусобақаларда фахрли натижалар ҳамда кўплаб совринларни қўлга киритишган.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Tuyg'u



Ойдин хотиралар — умр безаги

Хотира — инсон ҳаётидаги энг мунаввар кунлар ёдидир. Энг бахтиёр кунларнинг ҳаёлдаги рангин жилоларидир. Хотира — ҳаёт давомида биз учун қадрли бўлган кимларнидир ёки нималарнидир йўқотиш билан боғлиқ маъзун ўйлар.

Майли, умр йўлларимизда у қандай манзаралар билан қолмасин, буларнинг бари қалбимизнинг туб-тубида яшайдиган, бизнинг мўъжаз бир дунёмиз, мулкимиздир.

Хотира борки, биз ҳаётда кимларнингдир олдида бурчли эканимизни англаймиз, хотира борки, кимлардандир миннатдорлик ҳисси билан яшаймиз. Боболаримиз: «Бир ёмонлик, бир яхшилик ҳеч қачон эсдан чиқмайди», — деб бежиз айтмаганлар.

Баҳорнинг энг гўзал кунларида биз Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаймиз.

Бу буюк аждодларимиз, боболаримиз хотирасига бўлган чексиз эҳтиромимиз рамзи бўлиб ҳисобланади. Биз азал-азалдан ўз қадриятларига, урф-одатларига ва анъаналарига

содик халқимиз ва уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бизнинг одатимиздир.

Зеро, тарихимизда шу муқаддас юрт, шу эл учун фидойи зотлар жуда кўп ўтган. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк муҳаддислар — имом Бухорий, имом Термизий каби эътиқоди мустаҳкам алломалар, Баҳоруддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Бобур мирзо сингари ўнлаб даҳолар қадамжоларининг обод этилиши — ана шу юксак эҳтиромнинг энг ёрқин намуналаридир.

Хотира — инсон учун муқаддас туйғу. Майли, у қайси рангда дилимизда сақланмасин, барибир унинг борлиги яхши.

Дилимизда фақат ойдин хотиралар қолиши учун шунчаки умр ўтказмайлик, атрофдагиларга, яқинларимизга, она заминга, буюк эътиқодимизга хос эзгулик улашиб яшайлик. Бу эзгулик дарахтининг муаттар гуллари биздан кейин ўз ифорини таратиб, кимнингдир хотирасида ойдин нурлар қолдирар экан, демек, умр бесамар кетмаган.

Нодира БАРОТОВА, Тошкент вилоят педагогика институти қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси

Ijodiy uchrashuv

Ҳар дақиқаси ёлда қолди
Бекобод шаҳридаги 1-мактабда таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси Бекобод шаҳар кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими ташаббуси билан ўтказилган мазкур учрашув мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари иштирокида жонли мулоқотга айланиб кетди.

Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, болаларнинг сеvimли адиби Худойберди Тўхтабоев ўзининг ижодий йўли, болалар адабиёти тўғрисида қизиқарли суҳбатга киришди, болаларни қизиқтирган саволларга бирма-бир жавоб берди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоирлар Ашурвали Боймурод ва Ботир Эргашев янги ёзган шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

Учрашув сўнггида мактаб ўқувчилари адибнинг «Сариқ девни миниб» асаридан саҳна кўриниши ижро этишди. Шоирлар янги шеърларидан ўқишди.

Шаҳло ТўРАЕВА

БЎТАКЎЗ

Топмадим сенингдек қоракўз,
Сенингдек мулойим ширин сўз.
Кел, энди бўлайлик қалин дўст,
Ҳаммадан яхшисан, бўтакўз.

Сулувлар сулуви — моҳисан,
Гулларнинг сараси — шоҳисан.
Юрагим эркаси — оҳисан,
Ҳаммадан яхшисан, бўтакўз.

Қирларда гул очган кўкلامим,
Хуснда тенги йўқ кўркамам.
Лолажон эркатой, эртагим,
Ҳаммадан яхшисан, бўтакўз...

Сен билмайсан бир сўзни,
Гулларга айтиб қўйдим.
Ҳайратга тушганча,
Ой аста кулиб қўйди.

Сен билмайсан бир сўзни,
Елларга айтиб қўйдим.
Айтмасам бўлар экан,
Бир дoston қилиб қўйди.

Кўй, йиғлама, Ойбарчин,
Айтолмайман у сўзни...

**Неъматилло ХИДИРОВ,
Халқ таълими аълочиси**

Ilhom

Футбол ишқибозлари учун ажойиб янгилик!

Барча футбол ишқибозларини **18 май** куни соат **17:00** да «Пахтакор» марказий стадионда олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида ўтказилаётган футбол бўйича уч босқичли «Камолот» кубоги»нинг финал босқичи ҳамда футбол-шоу дастурига таклиф этамиз. Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган мазкур турнир иккинчи маротаба «Камолот» ЁИХ ва қатор вазирликлар, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда «Пахтакор» профессионал футбол клуби билан ҳамкорликда ўтказилапти. Футбол-шоу дастуридан қизикарли футбол ўйинлари ва эл севган санъаткорларнинг чиқишлари ўрин олган.

Батафсил маълумотларни
www.kamolot.uz
веб-сайти ҳамда
241-01-61, (+99890) 252-99-97
телефон рақамлари орқали
олишингиз мумкин.

“KAMOLOT” KUBOGI” FINAL BOSQICHI VA MASHHURLAR ISHTIROKIDA FUTBOL SHOU-DASTURI

BATAFSIL WWW.KAMOLOT.UZ SAYTIDA

18-MAY «ПАХТАКОР» MARKAZIY STADIONIDA SOAT 17:00 DA!

STADIONGA KIRISH BEPUL!



Вояга етмаган шахснинг мустақил тадбиркорлик билан шуғулланишининг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот берсангиз.

Меҳригиё, Тошкент шахри

Саволга Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси юридик экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўлими бош юрист-консультанти Азизбек Ҳамроев жавоб беради:

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-

моддасида «Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тўла ҳажмда вужудга келади. Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади», деб белгилаб қўйилган. Жумладан, меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳаракатлар-



1 savolga 1 javob

ни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга келтирувчи норма ушбу кодекснинг 28-моддасида баён этилган: «Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин». Вояга етмаган шахслар ота-онасининг ёзма розилигига биноан ўзи тадбиркорлик фаолиятини бошлаши мумкин.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА
тайёрлади

Tajriba

Ойи, менга тил ўргатинг!

Ўғлим беш ёшда. Тили бийрон. Ҳамма нарсага қизикади. Бир куни телевизорда инглиз тилида эфирга узатилаётган янгиликларни берилиб томоша қилди. Дастур тугагач, сўради: «Ойижон, мен ҳам инглиз тилини ўргансам бўладими?»

Унинг бу саволи менда ҳам савол туғдирди. Ҳақиқатан ҳам, бола неча ёшдан тил ўрганиши мумкин? Ахир, аксариятимизда тил ўрганишни эрта бошлаш боланинг жисмоний чарчасига, ортиқча куч сарфлашига сабаб бўлмасмикин, деган хавотир йўқ эмас-да.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, соғлом ўсаётган бола тўрт ёшда ўз она тили бўйича маълум кўникамага эга бўлар экан. Айти шу ёшдан бола тил ўрганиши мумкин. Ва бунда ҳам у моҳиятини биладиган, ўзлаштира оладиган содда ва раво сўзларни ўргатиш мақсадга мувофиқ. Мисол учун «салом», «хайр», «ойи», «дада». Бундан ташқари, чет тилини ўрганишнинг бир қатор фойдали жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Ёнг аввало, боланинг диққат-эътибори ошади, фикрлаши тезлашади, идроки кенгаяди, ақлий қобилияти ривожланади. Болада маълум бир ҳудуднинг тарихи, маданияти урф-одатларини билишга иштиёқ уйғонади. Айнан шу ёшда қўйилган пойдевор ниҳоятда мустаҳкам бўладики, бу мактаб ва олий ўқув юртидаги таълим жараёнлари учун асос вазифасини ўтайди.

Севинч ХУРСАНАЛИЕВА

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашига тегишли Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Қатортол кўчасидаги 60-уйнинг 3-24/2000 ҳамда 3-31/2000 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

YON DAFTAR CHANGIZGA

Бошқалар сени қадрлашини истасанг, ўзинг бошқаларни қадрла.

Кайковус

Таълим маскани										«Қоши қаро ... йигит» (қўшиқ)		Вақт бирлиги		Сахар, азон		Италия пойтахти	...-ука	
Йўловчи ташиш транспорт			7	5			9	Хайкал-боп металл бирикма	Катта уй, иморат		Сарсон-сарғардон							
	4				2	5	1											
	7				3	2	8							Мейсон (бастакор)				
	5	1	9				4	Китоб қисми	Савдо маркази		Кийим қадагичи							
							9											
	8		3	6						Дезодорант русуми			9	1	8	7	Толе, омад	
													6		2		9	
								Моҳир, уста	...-була, чипор					5	9	4	2	1
	Шов-шув, доврүк							Ошбоп сабзавот хили						9	4	2	3	8
														6			4	
								Охир, тамом		Авом, чала-савод					8	5		9
														1	3	9		
	Батор (шаҳар)							Кўзой-накли илон				Кулф...						

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Таҳрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева
Дилбар
Эркиновна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-543.
Адади — 13598

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30
ЎЗА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6